

# Экспорт - импорт

2018-2019 йил январь-май ойларида Бухоро вилоятида рўйхатдан ўтган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан Ўзбекистон Республикасига импорт-экспорт қилинган товарлари тўғрисида



## ТОВАРЛАР ИМПОРТИ

2019 йилда товарлар импорти ҳисобот даврида 381,65 млн. АҚШ долларни ташкил этиб, 2018 йилнинг шу даврига (372,35 млн.\$) нисбатан 9,3 млн. АҚШ долларига ёки 2,5% га кўпайган.



## Юридик ва жисмоний шахслар импорти бўйича

Жами импортида хўжалик юритувчи субъектлар 1372 нафарни (2018

й. 565 нафар) ташкил этиб, 807 нафарга ёки 142,83 %га ошган.

**Жумладан,**

- **юридик шахслар** – 760 та (2018 й. 294 та) ёки 466 тага ошган;
- **жисмоний шахслар** – 612 та (2018 й. 271 та) ёки 341 тага ошган.

**Юридик шахслар** импорти 372,2 млн.\$ни (2018 йилда 360,9 млн.\$ ёки жами импортнинг 96,93%) ёки импортнинг 97,54 % ни;

**Жисмоний шахслар** импорти 9,39 млн.\$ ни (2018 йилда 11,43 млн.\$ ни ёки жами импортнинг 3,07% ) ёки жами импортнинг 2,46 %ни ташкил этди.

**Юридик шахслар** импорти бўйича товарлар қиймати 2018 йилга нисбатан 11,33 млн.\$ ёки **3,14 % га**, имтиёзлар **347,88 млрд. сўмга (21,62%)** кўпайган.

**Жисмоний шахслар** импорти бўйича товарлар қиймати 2018 йилга нисбатан **2,03 млн.\$ га (17,83%)** камайган бўлсада, импорт қилинган товарлар бўйича берилган имтиёзлар **61,96 млрд. сўмга (58,49%)** ошган.

